

ИЧКИ ИИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ

3-курс 326 - гуруҳ курсанти

Махрамқулов Шохрух Шерзод ўғли

АННОТАЦИЯ Ушбу мақолада ички ишлар органларида психологик хизматни ташкил этишнинг илмий назарий ва ўзига хос амалий услублар тўғрисида билимлар ёритиб берилган бўлиб, ходимлар орасида учрайдиган зиддиятли ҳолатлар ва уларнинг юзага келиш сабаблари, ҳамда уларга қўшимча сифатида хизмат давомида учрайдиган салбий ҳолатлар намоён бўлишининг сабаб ва шароитлари психологик нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Калит сўзи: Мотивацион тўсиқлар, Оилавий психологик муаммолар, маънавий-рухий муҳит, индивидуал-психологик хусусиятлар, психологик-педагогик.

АННОТАЦИЯ В данной статье освещаются научно-теоретические и конкретно-практические методы организации психологической службы в органах внутренних дел, причины и условия возникновения конфликтных ситуаций среди сотрудников и причины их возникновения, а также, помимо них, причины и условия возникновения конфликтных ситуаций среди сотрудников. Рассмотрено проявление негативных ситуаций во время службы с психологической точки зрения.

Ключевые слова: Мотивационные препятствия, Семейно-психологические проблемы, духовно-духовная среда, индивидуально-психологические особенности, психолого-педагогические.

ANNOTATION This article sheds light on the scientific theoretical and specific practical methods of organizing psychological service in internal affairs bodies, the causes and conditions of conflicting situations among employees and the reasons for their occurrence, and in addition to them, the reasons and conditions for the manifestation of negative situations during the service from a psychological point of view is considered from the point of view.

Key words: Motivational obstacles, Family psychological problems, spiritual and spiritual environment, individual-psychological characteristics, psychological-pedagogical.

КИРИШ

Психологик хизмат методологиясини яратишда инсоннинг ҳиссий ҳолатини тушуниш ва унинг ўз меҳнати маҳсулларида ижтимоий қониқиш жараёнини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга бағишланган айрим

тадқиқотларнинг ўрни ва истикболига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, Ф.Херцберг ва унинг издошлари томонидан меҳнат фаолиятини ташкил этишдаги эмоциоген фарқланиш механизмлари тадқиқ қилинди. Мазкур изланиш маҳсулига кўра меҳнат фаолиятини ташкил этишда ижодийлик, мустақиллик, ўз-ўзини билиш, ривожлантиришга қаратилган тадбирларга эътибор берилса шахс фаолияти унумдорлигига ижобий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларни ва аксинча, фақат техник жараёндангина иборат бўлган меҳнат шароити яратилса шахс фаолигига салбий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларнинг намоён этилиши кузатилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан ҳар йили, Ўзбекистон Республикаси ИИО ташкил топганлиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаётган байрам табрикларида ИИОни ривожлантириш ва кучайтириш борасида бераётган дастурий кўрсатмалари ИИОда ислохотларнинг моҳияти ва кўлами жиҳатидан улкан ишлар узлуксиз олиб борилаётганлигидан ва доимий равишда такомиллашиб бораётганлигидан далолат беради

Мазкур мақолада турли манбалардан олинган маълумотлар бир тизимга келтирилган. Ички ишлар тизимида ходимларнинг касбий фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни коррекция ва профилактика қилиш, таълим-тарбия, касбий танлаш жараёнига янгича ёндашишни таъминлаган ҳолда, психологик хизматни ривожлантириш учун назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи А. Митюковнинг тадқиқотларида психологик хизматнинг муҳим йўналиши ҳисобланган офицерлар ва сержантларнинг касбий камол топиши жараёнини ўрганган. Лекин муаллиф психологик жараёнларни психологик хизмат вазифаларини ўрганмаган. Мазкур тадқиқот натижаларини Ўзбекистон шароитидан келиб чиқиб, ИИО тизимини такомиллаштиришда қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқ далиллар асосида кўрсатиб ўтилган. Р. Самаровнинг ишларида, жумладан “ҳарбий таълим-тарбия тизимида психологик хизмат” мавзусидаги илмий мақоласида³ Ўзбекистон Республикаси ИИО тизимида психологик хизматнинг жорий этилишининг назарий-методологик асослари, психологик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини, психологик хизматнинг ташкилий тузилмаси кўрсатиб ўтилган. Ҳарбий социолог С. Аҳроров ўзининг диссертациясида тизим доирасида Социологик хизматни жорий этишни таклиф этади⁴. Бизнингча, даставвал Психологик хизмат йўлга қўйилиши, кейинги босқичларда эса, яъни вазифаларининг кўлами кенгайиши натижасида Социологик хизматга ўтиш мумкин.

Хизматни ўташда ходимлар турли психологик муаммолар билан тўқнашадилар, бу эса ўз ўрнида шахсий таркибнинг руҳий тетиклигига ҳамда жисмоний имкониятларига ва фаолиятнинг самарадорлигига таъсир қилади.

Ушбу ҳолатда асосий психологик муаммоларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

1. Ҳодимлар шахси билан боғлиқ бўлган муаммолар. Таркибий-тузилишига кўра мазкур психологик муаммоларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- **Мотивацион муаммолар** – хизмат вазифаларини юксак даражада бажариш ҳамда касбий такомиллашиш учун кўзғатувчи омилларнинг йўқлиги;
- Касбий-тоифали муаммолар – ҳодимларнинг айрим қисми томонидан функционал мажбуриятларини бажара олмаслиги ёки бажаришга тайёр эмаслиги;

- **Функционал-психологик** – хизмат жараёнида юзага келадиган ҳодимларнинг салбий психофизиологик ҳолатининг мавжудлиги;

- **Оилавий психологик муаммолар** – шахсий таркибнинг фаолиятига салбий таъсир қилувчи ижтимоий-психологик омилларнинг таъсирида шаклланган оилавий муаммоларнинг вужудга келганлиги ҳолати;

2. Жамоавий-гуруҳий муаммолар – жамоаларда маънавий-руҳий муҳитни ёмонлаштирувчи муаммолардир. Уларга турли кўринишдаги қонунбузарликлар, жамоалар ичидаги муносабатларнинг бузилиши, жамоалардаги ижобий қадриятларининг парчаланиши ва емирилиши, мазкур турдаги муаммолар ҳодимларнинг низомга зид муносабатларида, микрогуруҳларнинг мавжудлигида, ҳодимларнинг бир бирлари билан чиқиша олмаслигида намоён бўлади. Бу эса ўз ўрнида ҳодимларнинг ИИО мақсадларига қарши бўлган нотўғри ёки ёлғон ижтимоий ориентирларни танлашга интилиш ҳолатини юзага келтиради.

3. Фаолият билан боғлиқ бўлган муаммолар – мазкур муаммолар хизмат ва ўқув жанговар фаолиятига тегишли бўлиб, улар ҳодимларнинг психологик хислатларининг хизмат ва ихтисосликнинг объектив талабларига тўғри келмаслиги оқибатида ҳосил бўлади. Бу турдаги муаммолар фаолиятни суст олиб боришда, хизмат давомида хато ва камчиликларга йўл қўйишда, жиноят содир этилиши каби салбий ҳолатларда намоён бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолардан келиб чиқиб ва уларни биринчи навбатда бартараф этиш мақсадида психологик ишни асосий икки йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

1) ҳодимларнинг психикасига таъсир кўрсатувчи психологик шароитларни такомиллаштириш;

2) фаолиятнинг турли соҳаларида, инсоннинг самарали фаолият кўрсатишида муҳим омил ҳисобланган психологик таълимни индивидуал ва жамоаларда шакллантириш ва ривожлантириш.

Тизим шароитида психологик ишни олиб боришнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, инсон фаолиятининг мақсади - бу хизмат вазифани бажаришга қаратилганлик ҳолатидир. Лекин бунда инсоннинг ўз манфаатларига хизмат манфаатларининг тўғри келмаслигини кўриш мумкин. Шунинг учун, психологик иш ҳам инсон манфаатларига ҳам фаолият манфаатларига қаратилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ИИОида ходимларда юзага келадиган турли хил муоммоли вазиятларни бартараф этишда психологик хизмат томонидан қуйидаги вазифаларни бажарилиши кўзда тутилади:

- Хизмат жараёнида барча ходимларнинг хизматни олиб бориши учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш, яъни индивидуал, ёши ва жинсий ўзига хослигини инобатга олиб, уларнинг хизмати давомида психологик барқарорлигини таъминлаш;

- ходимларнинг индивидуал-психологик ўзига хослигини инобатга олиб психологик тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга 18 тадбиқ этиш, жамоаларда ижтимоий-психологик жараёнларнинг ривожланишини прогнозлаш;

- ИИОнинг кундалик фаолиятидаги психологик жараёнларни ўрганиш ва бошқариш;

- ходимларнинг хизмати давомида ва уларнинг оила аъзоларининг ҳаётидаги ҳар бир босқичда интеллектуал қобилиятлари ва иқтидорини ривожлантиришга ва намоён этишига, ўз ҳаёт йўлини танлашда, ҳаётининг позициясининг шаклланишида ёрдам бериш;

- шахсий таркиб ҳамда уларнинг оила аъзоларига психологик кўмак кўрсатиш;

- шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини мониторинг қилиш, шартнома асосидаги ходимларнинг касбий тайёргарлик далолатномаларини тўлдириб бориш, муддатли ходимларнинг педагогик кундаликларини тўлдириб бориш, уларнинг психологик барқарорлигини сақлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, ходимларда Умумҳарбий Низомлар талаблари асосида муомала маданиятини ривожлантириш;

- ходимларнинг фарзандларида баркамол шахс сифатларини тарбиялашда, интеллектуал даражасини ўстиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

- таълим ва ўқув жараёнида ходимларга психологик билимларни бериш, соҳани эгаллашда шунингдек, хизмат ва шахсий ҳаётида мувофақиятга эришиш йўлида кўникма ва қобилиятларини ривожлантириш;

- барча бўғиндаги командирларнинг педагогик фаолиятларида яъни ходимларни бошқариш ва тарбиялаш, уларда ўзаро ёрдам кўрсатиш,

толерантлик, раҳмдиллик, ўзига ишонч ва жавобгарлик ҳиссини шакллантириш, ҳодимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмасдан фаол психологик таъсир эта олишни ўргатиш;

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 5005-сонли Фармон. 2017 йил 10 апрель.
2. Жариков Е.С. Психология управления. – М., 2002.
3. Караяни А.Г., Сыромятников И.В. Прикладная военная психология. - СПб.: Питер, 2006. - С. 18.
4. Караяни А.Г., Сыромятников И.В. Прикладная военная психология. - СПб.: Питер, 2006. - С. 20.
5. www.natlib.uz